

**“ALYANS AUTO” MASBULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATINING
XAYRIYA VA TIJORAT QOMIYLIGI BUYICHA SIYOSATI**

Тошкент - 2025 йил

1. Сиёсатнинг мақсади ва қўлланиш соҳаси

1.1. Ушбу Сиёсат “ALYANS AUTO” МЧЖ (кейинги ўринларда “Жамият” деб аталади) томонидан халқаро Комплаенс талаблари ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ хайрия ва тижорат ҳомийлигини амалга оширишда риоя этилиши мажбурий бўлган тамойиллар ва қоидаларни белгилайди.

1.2. Сиёсатнинг мақсади хайрия ва тижорат ҳомийлигини амалга ошириш харажатларини режалаштириш ва самарали бошқаришнинг шаффофлигини таъминлаш, Комплаенс хатарларини минималлаштириш ва хайрия ва тижорат ҳомийлик соҳасида қарор қабул қилишнинг ягона стандартини белгилашдан иборат.

1.3. Сиёсатда икки турдаги ёрдам: Хайрия ва Тижорат ҳомийлиги кўриб чиқилади. Жамият хайрия ёки тижорат ҳомийлигини Сиёсатда белгиланган тамойилларга мувофиқ амалга оширилган тақдирдагина ёрдам кўрсатади.

1.4. Хайрия ва тижорат ҳомийлиги қуйидаги тамойилларга асосланади:

- Қонунийлик - ҳуқуқнинг ҳақиқий амал қилишини белгиловчи ҳуқуқий режимга риоя қилишдан иборат бўлиб, бунда барча шахслар қўлланиладиган қонунчиликка қатъий риоя этадилар. Шу билан биргаликда, Коррупцияга қарши курашишнинг халқаро талабларига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ барча операцияларни ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши тушунилади;

- Ихтиёрийлик - Жамиятнинг хайрия ёки тижорат ҳомийлиги кўрсатиш ҳуқуқини белгилайдиган ҳуқуқий режимга риоя қилинишини англатади ва ёрдам олувчилар томонидан мажбурлаш ҳолатининг йўқлиги, Жамиятнинг хайрия лойиҳаларида иштирок этишдан бош тортиш ҳуқуқининг мавжудлиги тушунилади;

- Шаффофлик - Жамият ва олувчининг хайрия ёки тижорат ҳомийлигида очиқ иштирок этиш ҳуқуқини белгилайдиган ҳуқуқий режимга риоя қилинишини англатади ва ёрдам олувчиларни танлашнинг аниқ мезонлари, ёрдамдан мақсадли фойдаланилишининг назорати, хайрия ва тижорат ҳомийлиги лойиҳаларининг натижалари тўғрисида мунтазам ҳисобот эълон қилиб бориш тушунилади;

1.5. Сиёсат Жамият, Ходимлар, Бизнес ҳамкорларга нисбатан қўлланилади.

1.6. Жамиятнинг назорат пакети улушига эга бўлмаган корхоналар ҳам мазкур Сиёсатга ёки шунга ўхшаш стандартларга риоя қилишлари назарда тутилади.

1.7. Сиёсат риоя қилиниши керак бўлган минимал стандартни белгилайди. Агар қонун ҳужжатларида юқорироқ талаблар белгиланган бўлса, Жамият ушбу талабларга риоя қилади.

2. Асосий тушунчалар

Қўлланиладиган қонунчилик – амал қилиниши шарт бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, агар қўлланилса, улар билан чекланмаган ҳолда: Ўзбекистон Республикаси, АҚШнинг коррупцияга қарши курашиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шунингдек, АҚШ, Буюк Британиява Евроиттифоқ ҳукуматининг санкциялар ва экспорт назоратига оид қонун ҳужжатлари ҳамда бизнес ҳамкор рўйхатдан ўтган жойда ёки у жойлашган мамлакатда амал қиладиган коррупцияга қарши қонунчилик назарда тутилади.

Ҳомийлар - ҳомийликни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар.

Олувчилар - хайрия ёки тижорат ҳомийлигини олувчи юридик ва жисмоний шахслар.

Назорат остидаги корхона - Жамият овоз берувчи акцияларининг (улушларининг) йигирма фоизидан кўпроғига эга бўлган ёки устав жамғармасида устун мавқега эга бўлган, Жамият таркибидаги ва (ёки) шўъба корхона, қўшма корхона ва бошқа ташкилот.

Давлат органи - давлат фуқаролик хизмати татбиқ қилинадиган давлат органлари ва ташкилотлари рўйхатига киритилган давлат ҳокимият ваколатларига эга бўлган ташкилий жиҳатдан алоҳида тузилма.

Давлат фуқаролик хизмати лавозими - давлат органининг ваколатларини амалга ошириш учун Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига киритилган лавозим.

Давлат фуқаролик хизматчиси - давлат фуқаролик хизмати лавозимида ўз фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси.

Давлат иштирокидаги ташкилот - устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат ташкилоти ёхуд тўлиқ ёки қисман давлат органи томонидан ташкил этилган ёки таъсис этилган нотижорат ташкилот.

Сиёсий партия - Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмаси.

Халқаро ташкилот - сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий-техникавий, ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни амалга ошириш мақсадида халқаро шартномага асосланган ҳамда халқаро ҳуқуққа мувофиқ равишда тузилган давлатлар бирлашмаси.

Сиёсий таъсирга эга шахс - амалдаги ёки собиқ юқори лавозимли

амалдор, шу жумладан:

маҳаллий давлат ҳокимияти ёки ўзини ўзи бошқариш органларининг раҳбари;

ҳукумат раҳбари;

вазир, парламент ;

депутати;

сиёсий партиянинг бошқарув органи (кенгаши) аъзоси;

Конституциявий суд, Олий суд судьяси ёки бошқа даражадаги суд органининг судьяси (суд органи аъзоси);

Марказий банк кенгаши ёки бошқаруви аъзоси; элчи (консул);

инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ёки бизнес-омбудсман;

Қуролли кучларнинг катта лавозимдаги офицери;

давлат улуши бўлган Жамият кенгаши ёки бошқаруви аъзоси;

халқаро ташкилот раҳбари.

Четлатиш муддати - бу сиёсий таъсирга эга бўлган шахс ўз давлат лавозимини тугатгандан кейин, таъсирга эга ҳисобланишда давом этадиган вақт даври.

Давлат хизматчилари (давлат бошлиқлари, вазирлар, депутатлар ва бошқа юқори мансабдор шахслар) хизмат муддати тугаганидан кейин 5 йил;

Судьялар (суд тизимида юқори лавозимларни эгаллаб турган шахслар) пенсияга чиққандан ёки ваколатлари тугаганидан кейин 3 йил;

Ҳарбийлар (олий унвонли зобитлар ва қўмондонлар) пенсияга чиққандан кейин 3 йил;

Давлат иштирокидаги ташкилотларининг раҳбарлари (давлат иштироки бўлган Жамиятларни бошқарувчи шахслар) ваколат тугаганидан кейин 3 йил;

Халқаро ташкилотлар бошқаруви аъзолари (халқаро ёки ҳукуматлараро ташкилотларда муҳим лавозимларни эгаллаб турган шахслар) ваколат муддати тугаганидан кейин 3 йил;

Ушбу шахсларнинг яқин қариндошлари таъсирга эга шахс лавозимини тўхтатганидан кейин 1 йил.

Бизнес ҳамкор - меҳнат муносабатларидан ташқари, Жамият шартномавий муносабатларга киришадиган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс (контрагент, етказиб берувчи, дистрибьютор, дилер ёки Жамиятнинг номидан ватопшириғига биноан ёки унинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиш ваколатига эга бўлган бошқа учинчи шахс бизнес-ҳамкорга мисол бўлиши мумкин).

Ходимлар/Ходим - меҳнат шартномаси асосида ёхуд сайлаб қўйиладиган ёки тайинланадиган лавозимларда меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган бошқарув ходими, унинг ўринбосарлари, таркибий тузилма раҳбарлари ва бошқа ишчилар.

Хайрия маблағлари - жисмоний ёки юридик шахсларга қайтариб олиш ва манфаат (фойда) кўриш шартсиз, бегараз ёки имтиёзли шартларда йўналтирилган мол-мулк ҳамда пул маблағлари, шунингдек ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш, бошқа қўллаб-қувватлаш бўйича фаолиятни ихтиёрий равишда амалга ошириш.

Ижтимоий инвестициялар - жамоат манфаати мақсадига йўналтирилган нақд пул ва натура шаклидаги инвестициялар.

Тижорат ҳомийлиги - Жамиятни оммалаштириш, реклама майдони ёки оммавий ёритишнинг бошқа шакллари билан тақдим этиш ёки бозор билан тижорат маълумотларини алмашиш, маҳсулотларини, хизматларини тарғиб қилиш, шунингдек, савдо ҳажмини ошириш ёки Назорат остидаги корхоналар миқдорларининг содиқлигини ошириш мақсадида Жамият обрўсини яхшилаш (масалан, кўргазма-ярмаркалар, конференциялар, спорт тадбирлари ва бошқалар) эъзизга шов-шувли тадбирлар, фаолият турлари ёки ташкилотларни пул ёки натура шаклида қўллаб-қувватлаш.

Манфаатлар тўқнашуви - шахснинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг ўз лавозим ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган (мавжуд манфаатлар тўқнашуви) ёки юзага келиши мумкин бўлган (эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви) вазият.

Учинчи томонлар - корхонанинг бир қисми бўлмаган, лекин унинг фаолияти билан бевосита ёки билвосита алоқадор бўлган юридик ва жисмоний шахслар.

Ходимга алоқадор шахслар - ходимнинг яқин қариндошлари ҳамда ходимва (ёки) унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) аксияларига ёки улушларига эгалик қилса ёхуд унда бошқарув органининг раҳбари ёки аъзоси бўлса, ўша юридик шахс.

Яқин қариндошлар - ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ер-хотинлар, фарзандлар, шунингдек, эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари.

Хавф омиллари («Ред флагс/ Қизил байроқлар») – ноқонуний хатти-ҳаракатлар, виждонсиз хулқ-атвор, порахўрлик ёки коррупциянинг пайдо бўлиш эҳтимоли (мавжудлиги) ҳақида огоҳлантириши мумкин бўлган, шу боисдан ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишдан олдин қўшимча

текширув ўтказишни талаб қиладиган салбий маълумотлар, кўрсаткичлар ёки ҳолатлар.

Скрининг - Олувчини хавф омиллари мавжудлиги юзасидан пухта текшириш натижаси бўйича ҳисобот шакли.

Умумий қоидалар.

3.1. Хайрия ва тижорат ҳомийлиги қўлланиладиган қонунчилик талабларига, ҳисоботларга, солиқ мажбуриятларига бўйсунити ва дахлдор хавфлар билан мувофиқлаштирилиши лозим.

3.2. Сиёсатга мувофиқ, хавфлар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш учун хайрия ва тижорат ҳомийлиги турли хил дастлабки келишув мезонлари ва жараёнга қўйиладиган талабларга эга.

3.3. Муайян фактлар ёки ҳолатлар қонунчиликни ёки меъёрлар талабларни бузиш хавфини келтириб чиқариши мумкин (“қизил байроқлар”). Хайрия ёки тижорат ҳомийлигини амалга оширишни бошлашдан олдин ушбу хавфлар бартараф этилиши керак.

3.4. Хайрия ва тижорат ҳомийлиги Ҳукуматнинг қарор, фармон ва кўрсатмалари, Жамиятнинг ташаббуси ёки жисмоний ва/ёки юридик шахснинг сўровига биноан амалга оширилади.

Бунда, Ҳукумат ёрдам ташаббусларини беради, лекин улар халқаро мувофиқлик стандартларига жавоб бериши, коррупция ва пул ювиш билан боғлиқ эҳтимолий хавфларни ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

3.5. Жамият томонидан олинадиган хайрия ёки ҳомийлик ёпиқ мукофот шаклида бўлмаслиги ва Жамиятнинг алоҳида ходимлари томонидан хайрия қилувчи ёки ҳомий, унинг яқин қариндошлари, улар билан боғлиқ шахслар, шунингдек, донор ёки ҳомий шахсий манфаатга эга шахслар фойдасига қарорлар қабул қилинишига таъсир қилмаслиги керак.

3.6. Жамият қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда хайрия ва ҳомийлик ёрдамини қабул қилиши мумкин. Бундай ёрдамни олишда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, пул маблағларининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки шартномада кўрсатилган мақсадларга самарали ва мақсадли йўналтирилишини таъминлаш, шунингдек, хайрия ва ҳомийлик фаолияти тўғрисидаги маълумотлар Жамиятнинг интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида маълум қилиниши учун барча чоралар кўрилади.

3.7. Хайрия ва тижорат ҳомийлиги Жамиятнинг бизнес обрўсини (брэнди вануфузини) мустаҳкамлашнинг асосий усулларида биридир. Бироқ Жамиятнинг ҳомийлиги ғайриқонуний устунликка эга бўлишга уриниш деб қабул қилинмаслиги ёки ҳисобланмаслиги керак.

3.8. Хайрия ва тижорат ҳомийлиги фаолияти ёзма шартномалар асосида амалга оширилади. Ушбу шартномаларда ҳомийлик фаолиятини

амалга оширувчи ташкилотчиларнинг порахўрлик ва коррупсияга қарши курашиш тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларини бузадиган ҳаракатларни содир етмаслик мажбурияти назарда тутилиши шарт.

3.9. Хайрия ва тижорат ҳомийлигига йўналтирилган барча маблағлар Жамият бухгалтерия китобларида ва ёзувларида аниқ акс эттирилиши лозим.

3.10. Хайрия ва тижорат ҳомийлигини амалга оширишда ёки қабул қилишда Жамиятнинг ушбу Сиёсати ҳамда ички тартиб ва қоидаларига, шунингдек, қўлланиладиган қонунчилик ва Жамиятнинг бошқа юридик мажбуриятларига риоя қилинишига мос келиши бўйича текширувдан ўтказилиши керак.

3.11. Хайрия ва тижорат ҳомийлигида тўланадиган пул миқдори, олувчининг номи, шунингдек аниқ мақсадни ифодалайдиган тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлиши керак.

3.12. Хайрия ва тижорат ҳомийлиги кўрсатилиши:

- Жамият ва тизим корхоналари фаолиятида қабул қилинадиган қарорларга таъсири бўлса;

- тендер ва танлов жараёнларида қатнашаётган контрагентлар билан бўлган муносабатларда;

- Жамият айти пайтда хайрия (ёки тижорат ҳомийлиги)ни сўраган ташкилот (ёки ташкилот егаси) ёки хайрия (ёки тижорат ҳомийлиги)дан фойда олувчи ташкилот билан ишбилармонлик алоқаларини ўрнатган, музокаралар олиб борилаётганда ёки сўров кўриб чиқиляётганда;

- ҳомий олувчи билан низолар бўйича кўриляётган суд жараёнлари вақтида мумкин эмас.

3.13. Хайрия ва тижорат ҳомийлигини:

- жисмоний шахсларга (ижтимоий ҳимояга муҳтож ва оғир молиявий аҳволда бўлган шахслардан ташқари);

- ҳар қандай диний ташкилотларга;

- сиёсий партиялар, ташкилотлар ёки номзодларга;

- давлат хизматчиси ёки бизнес ҳамкорга (ҳомийликни амалга ошириш номақбул таъсир кўрсатишга олиб келса);

- коррупция ёки ахлоққа зид хатти-ҳаракатларга аралашиб қолган ёки шундай ном чиқарган ташкилотга;

- ёрдамнинг якуний олувчиси давлат хизматчиси бўлган давлат секторида амалга ошириляётган дастурга;

- сўров Давлат ташкилотидан ва/ёки вазифалари Жамият фаолиятига таъсир қилиши мумкин бўлган Давлат хизматчисидан келиб тушганда;

- сўров шошилинич хусусиятга эга бўлганда;
- тижорат ҳомийлиги Жамиятнинг бизнес ва маркетинг мақсадлари билан яққол алоқаси йўқ бўлганда;
- хайрия (ёки тижорат ҳомийлиги)нинг бизнесни сотиб олиш ёки уни сақлаб қолиш ёки бизнесга тааллуқли бошқа имтиёзларни олиш (масалан, назорат қилувчи органларнинг мавқеини ўзгартириш) учун зарур деб ҳисоблашга асослар мавжуд бўлганда;
- сўров оғзаки равишда амалга оширилса ва Олувчи сўровни ёзма равишда юборишдан бош тортганда;
- хайрия ва тижорат ҳомийлигини амалга ошириш учун ҳужжатли далиллар мавжуд бўлмаганда;
- хайрия ва тижорат ҳомийлиги маблағларидан келгусида фойдаланиш учун шаффофлик мавжуд эмас ёки чекланган деб ҳисобланганда;
- сўров нақд пул (банкноталарни) тўлаш тўғрисида юборилганда;
- сўровда тўловларни икки ёки ундан ортиқ ҳисоб варақларига ёки (айниқса, аниқ бир олувчи билан боғлиқ бўлмаган) оффшор ҳисоб варақларига амалга ошириш сўралганда;
- хайрия ва тижорат ҳомийлиги мақсадлари аниқ белгиланмаган ёки унинг таърифи ўта мавҳум келтирилганда (масалан, “болалар ҳаётини яхшилаш”) хайрия ёки тижорат ҳомийлигини амалга ошириш таъқиқланади.

4.Хайрия ва тижорат ҳомийлиги бўйича мезон ва талаблар

4.1 Хайрия маблағлари.

Мезонлари:

Жамият томонидан хайрия маблағларини амалга ошириш зарурати индивидуал равишда белгиланади.

Мақсадлари:

- фуқароларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, шужумладан аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилинмаган ва кам таъминланган тоифаларининг моддий аҳволини яхшилаш;

- жисмоний ёки интеллектуал хусусиятлари, бошқа ҳолатлар сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қила олмайдиган ишсизларни, ногиронларни ва бошқа шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш;

- халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

- оиланинг жамиятдаги нуфузи ва ролини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

- оналик, болалик ва оталикни ҳимоя қилишга кўмаклашиш;
- таълим, фан, маданият, санъат, маърифат соҳасидаги фаолиятга, шунингдек шахсининг маънавий камол топишига кўмаклашиш;
- касалликлар профилактикаси ва фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги фаолиятга, шунингдек соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга кўмаклашиш, фуқароларга маънавий-руҳий ёрдам кўрсатиш;
- жисмоний тарбия ва оммавий спорт соҳасидаги фаолиятга кўмаклашиш;
- аҳолини табиий офатлар, экология, саноат ҳалокатлари ёки бошқа ҳалокатлар оқибатларини бартараф етишга, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга тайёрлаш;
- террорчилик ҳаракатлари, табиий офатлар, экология, саноат ҳалокатлари ёки бошқа ҳалокатлар натижасида жабрланганларга ёрдам кўрсатиш;
- атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш;
- маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш;
- қўлланилаётган қонунчиликка мувофиқ амалга ошириладиган бошқа мақсадларни жорий қилиш учун амалга оширилади.

Талаблари:

- қонуний мақомга ҳамда виждонли ва ҳалол тижорат операцияларини олиббурувчи ташкилот сифатида нуфузга эга ташкилотлар фойдасига амалга оширилади;
- Жамиятнинг тегишли сиёсати ва процедураларига мос келиши бўйичатекириувдан ўтказилади.

2) Ижтимоий

инвестиция

Мақсадлари:

- жамиятга янги техника ва технологияларни ишлаб чиқариш тизимларини тадбиқ қилиш;
- йирик саноат тармоқлари орқали зарурий тажриба-синов лойиҳаларини ўтказиш, ҳамда уларга тайёргарлик тадбирларини ташкиллаштириш;
- саноат тармоғини ривожлантириш орқали жамиятда иш сизлик даражасини камайтириш ва иш билан банд бўлган фаол аҳоли қатламини кенгайтириш;
- жамиятга автомобилсозлик ва муҳандислик тадқиқотлари сифатини, инновациява ютуқларини оширишнинг янги ва самарали усулларини таклиф

қилиш;

- лойиҳалар натижаларга асосланиши ҳамда айниқса Жамиятнинг саноат ҳамкорлиги, инновациялар, Комплаенс ва ишбилармонлик этикаси билан боғлиқ кадриятларига мувофиқ бўлиши керак.

Талаблари:

- учинчи шахслар орқали эмас, балки тўғридан-тўғри яқуний олувчиларганисбатан амалга оширилади;

- имкони мавжуд ҳолларда товар моддий бойликлар шаклида амалга оширилади;

- бирон-бир танлов ёки ўйинда ғолибни аниқлаш процедураси холис, очик, шаффоф бўлиши ва ноқонуний кўринишдаги ҳаракат сифатида қабул қилинмаслиги керак;

4.2.Тижорат ҳомийлиги.

Мезонлари:

- муҳим анжуман ёки оммавий маданий ёки спорт тадбирлари каби шов- шувли тадбир, фаолият ёки ташкилотни қўллаб-қувватлаш учун амалга оширилади;

- қонуний мақомга эга шахсларга нисбатан татбиқ қилиниши ҳамда Жамиятга иқтисодий самара бериши ва унинг мавқеи ошишига имконият яратиши лозим.

Талаблари:

- бизнес таклифга асосланиши ва муайян мақсадга эга бўлиши;

- тижорат фойдалари ва харажатлари шу каби мақсадларга бошқа усуллар ёрдамида еришилган харажатлар билан таққосланиши;

- аниқ ва пухта тайёрланган, шу жумладан, меъёр ва талабларга риоя этилиши текширилган ва тижорат фойдалари бор-йўқлигига оид ҳужжатлар мавжуд бўлиши керак.

4.3. Хайрия ёки ҳомийлик ёрдами олишдаги талаблар:

- донор ёки ҳомий билан шартнома тузилиши, унда хайрия ёки ҳомийликни олиш ва ундан фойдаланиш мақсадлари, ёрдам шакллари, ёрдамнинг пул ифодасидаги миқдори, шунингдек, донор олдида ҳисобот бериш усули кўрсатилиши ёки олинган ёрдамдан фойдаланиш режаси тўғрисида ҳомий хабардор бўлиши;

- Жамиятнинг интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида олинган хайрия ёки ҳомийлик ёрдамига доир ахборотни жойлаштириши керак.

5. Сиёсат талаблари бузилиши тўғрисида хабар қилиш, текшириш ва жавобгарлик чоралари.

5.1. Ҳар қандай шахс ушбу Сиёсат бўйича маслаҳат олмоқчи ёки Сиёсат талаблари бузилиши ҳолатлари бўйича хабар қилмоқчи бўлса, Жамиятнинг (71) 202-44-43 ишонч телефони, compliance@alyansauto.uz электрон почта манзили ва www.alyansauto.uz веб-сайти ҳамда “@alyansauto_compliance_bot” телеграмм мессенжери орқали Комплаенс хизматига мурожаат қилиши мумкин. Жамият сиёсат талаблари бузилиши ҳақида хабар қилган шахслар таъқибга учрамаслиги ва сўровига асосан шахси очиқланмаслиги кафолатланади.

5.2. Жамият Сиёсат талаблари бузилиши ҳақида хабар қилган шахслар таъқибга учрамаслиги ва сўровига асосан шахси очиқланмаслигини кафолатлайди.

5.3. Ходимлар томонидан ушбу тартиб-таомилларнинг бузилиши хизмат текшируви ўтказилишига сабаб бўлади ва қонунчиликда белгиланган жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин.

3. Яқунловчи қоидалар

6.1. Сиёсат талабларини амалга ошириш жараёни алоҳида ишлаб чиқилган “Тартиб” асосида олиб борилади.

6.2. Ушбу Сиёсат Одоб-ахлоқ қоидалари, Порахўрлик ва коррупсияга қарши курашиш, Санксиялар ва экспорт назорати, Фирибгарликка қарши курашиш, Манфаатлар тўқнашуви бўйича сиёсатлар, Бизнес ҳамкорларни комплекс текширишсиёсатлари билан биргаликда қўлланилади.